

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА КОГНИТИВ ДИССОНАНС МУАММОСИ**

Р. Ҳ. Ширинова

профессор УзМУ

Ш. Қахҳорова

НавДПИ ўқитувчиси

**Аннотация**

Ушбу мақолада, бадий таржима жараёнида келиб чиқадиган муаммолардан бири когнитив диссонанс муаммоси кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** бадий таржима, аслият, когнитив диссонанс, номувофиқлик

**Abstract**

This article shows cognitive dissonance, one of the problems that arise in the process of literary translation.

**Keywords:** literary translation, originality, cognitive dissonance, inconsistency

Таржима турлари ичида бадий асарлар таржимаси таржимондан жуда катта маҳорат, чуқур билим ва кенг изланиш талаб этади. Миллат маънавий бойлиги бўлмиш бадий асарлар таржимаси китобхонга аслиятдагидек етказилмаса, унда таржимон ўз олдида қўйган мақсадига эриша олмайди. Бадий асарлар таржимасида бир қатор муаммолар борки, уларни ҳал қилиш йўллари таржима сифатини таъминлаб беради. Булар таржимада реалиялар, фразеологик бирликлар, мақоллар ва маталлар бўлиб, буларнинг таржимада нотўғри ифодаланиши рецепиентда когнитив диссонанс ҳолатини келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Диссонанс латинча “dissonantia” оҳангдорлиги бир бирига мувофиқ келмайдиган товушлар сўзлар ёки бўғинларнинг тўқнашуви, кесишуви деган маънони англатади<sup>1</sup>.

“Диссонанс” атамаси илк маротаба мусиқа соҳасида қўлланилган бўлиб, 1380 йилда француз олими Эвар де Конти нинг “Аристотел масалалари”, (“Les problèmes d’Aristote”) асарини таржима қилганида “товушларнинг номутаносиб шовқини” сифатида изоҳланди<sup>2</sup> ва бу ҳолатни “товушлар гармониясидаги узилиш” тарзида талқин қилган.

1. Le petit Larousse illustré. Paris 2012.-P- D.

2. Article “Dissonance”. In le Trésor de la Langue Française informatisé (ressource Internet) CNRS

Муסיқа соҳасидаги диссонанс муסיқа ноталаридаги номутаносублик яъни “қулоққа ёқмайдиган оҳанг ёки куй” деб англанган.

Кейинчалик эса мазкур атама адабиётшуносликка ҳам кириб келди. Француз шоири Верлен ўзининг “Назм санъати ” (Art Poétique) асарида Уйғониш даври шоирларига таъриф берар экан, уларнинг шеърляти ҳақиқий кўшиқлар (chansons) эканлигини ва бундан бошқа шеърларда мантиқ йўқлигини қайд этади<sup>3</sup>. Бу номутаносублик ёки номувофиқлик адабиётда ҳам когнитив диссонанс тарзида қабул қилинди.

XX аср 1957 йилда психологияда ҳам когнитив диссонанс қўлланила бошлади. Когнитив диссонанс назариясининг асосчиси америкалик тадқиқотчи Леон Фестингер бўлиб, у 1962 йилда чоп қилган “Когнитив диссонанс назарияси”(Theory of cognitive dissonance)асарида психологияда когнитив диссонанс ҳолатини баён этади<sup>4</sup>. Инсон билимлар тизимидаги номувофиқликни психологияда когнитив диссонанс ҳолати деб изоҳлай. Бу ҳодисага мисол тариқасида Эзопнинг “Тулки ва узум” масали келтирилди. Масалда тулки ёз ойларининг бирида роса пишиб етилган узумни узиб олишга ҳаракат қилади, аммо уни уйдалай олмайди. Сўнг у узумнинг пишгани ҳақ бўлсада, унга қарши нотўғри фикрлаш яъни узумни пишмаган деб ўзини ишонтиради. Бу ҳолат психологияда инсон руҳиятидаги когнитив диссонанс ҳолати деб юритилади.

XX аср охирларига келиб, таржимашуносликка ҳам когнитив диссонанс атамаси кириб келди. Тадқиқотчилар таржимада когнитив диссонанс ҳолатини илмий ўрганишга киришадилар. Китобхонда маълум бир матнга нисбатан юзага келадиган когнитив диссонанснинг икки асосий сабаби мавжуд. Биринчиси, мантиқий изчилликнинг йўқлиги, иккинчиси бир миллатда мавжуд бўлган одоб ахлоқ ва маданиятнинг бошқа бир миллат маданий гармонияси ўлчовларига мос келмаслик ҳолати. Бу икки ҳолат ҳам биргаликда инсон онгида нотўғри ахборот ҳосил бўлишига ёки ҳеч қандай ахборот пайдо бўлмаслигига ҳам олиб келиши мумкин. Тадқиқот олиб бориш жараёнида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асари ҳамда мазкур асарни француз тилига ўгирган Стефан Дудуанён таржимасида когнитив диссонанс ҳосил бўлган мисолларни таҳлил қилдик. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Аслиятда:

“Сўфи ўрнидан турди. Картдан тушиб, кавшини кияркан:

Овозим бор, деб ашулага зўр бермасин, - деди. - *Номаҳрамларга* овозини эшиттиса, рози эмасман.”<sup>5</sup>

Таржима варианты:

Le soufi se leva. En rechaussant ses galoches au bas du kart, il ajouta:

3. Verlaine Paul. “L’art poétique”. Maynial, Eduard, dir. Antologie des poètes du XIX<sup>e</sup> iècle, Paris : Hachette. 1930.-P.369.

4. Festinger Léon. A Theory of Cognitive Dissonance, Stanford, Californie : Stanford university press: 1962.- p.9.19.

5. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Тошкент 2011. Янги аср авлоди.-Б.27.

Et ce n'est pas parce qu'elle a de la voix qu'il faut qu'elle chante à en perdre la tête. Je ne tolérerai pas que des gens de dehors l'entendent!<sup>6</sup>

Маълумки мусулмонларда аёл бегона, номаҳрамлар олддида ўзининг чиройини, қадди қоматини, жозибасини, кўз кўз қилиши, товушини баланд кўтариши қатъи ман қилинган яъни шариатда таъқиқланган. Ушбу контекста кўшиқ куйлаётган Зебининг товушини бегоналар эшитиши мумкин эмаслиги ифодаланган. Ушбу номаҳрам сўзини таржимон француз тилига оддийгина “des gens de dehors” “tashqaridagi кишилар” деб берган. Натижада француз китобхонида миллий манзара акс етган матннинг бадий таъсирчанлиги сусайишига олиб келган ва реципиентда матнга нисбатан когнитив диссонанс ҳолати юзага келган. “Номаҳрам” сўзини француз тилига “étranger” яъни “бегона” деб берганида аслиятга яқин бўлган бўлар эди. Холбуки, таржимон кейинги мисолимизда “номаҳрам” сўзини “étranger” билан бериб, аслиятга яқинлашган.

Аслиятда:

Зеби юрагида тугилиб ётган зўр тугунни ечиб юборган эди. Раззоқ сўфининг совуқ юзлари унинг кўзларидан йироқлашганлар; насиҳат йўли билан мингларча марта айтилган ва таъкидланган сўзлар унутилган; совуқ сўфиларнинг “*ҳаром*” деган даъволари синиб, парча-парча булган; “*Номаҳрамлик*” сафсаталари от оёқлари остида янчилган; тўрт деворнинг бу тутқун қизи ўзига ўхшаган тутқунлардан бошка ҳеч бир гувоҳ ва тилчи бўлмаган шу кенг даланинг кулоч етмас бағрида йиллардан бери туғилиб келган аламларини куйга айлантириб, чексиз бўшлиқларга ёйиб юборган эди.<sup>7</sup>”

Таржима варианти:

“Zebi défaissait le noeud étroit qui enserrait son coeur. Le visage glacé de Razzaq Soufi était maintenant bien loin: oubliées, ses paroles si pleines de sagacité, assénées à milliers de reprises; mises en pièces, ses admonitions de soufi froid sur le «*licite*» et l’ «*illicite*» ; livré aux sabots du cheval, son prêchi-prêcha sur ces «*étrangers*» auxquels on n’adressait pas la parole. Dans le giron immense de cette campagne sans fin, sans autre témoin mouchard que quelques captives ses semblables, l’adolescente naguère de quatre murs transmuait les douleurs et les peines accumulées depuis de longues années en une mélodie qu’elle épandait sur l’étendue déserte<sup>8</sup>.”

Таржимон аслиятда берилган “*ҳаром*” сўзини француз тилига le «*licite*» (қонуний) et l’ «*illicite*»(ноқонуний) тарзида бериб, реципиентда нотўғри тасаввурлар ҳосил бўлишига олиб келган, чунки таржимон бир сўзни изоҳлаш учун бир бирига антоним бўлган қонуний, ноқонуний сўзларидан фойдаланган ва бу сўзлар китобхонда диний эмас балки дунёвий қонуний, ноқонуний ҳолат деган фикрга олиб келган. Аслида эса

6. Tchûlpân.Nuit .Auverne 2009. Bleu autour.-P.37.

7. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Тошкент 2011. Янги аср авлоди.-Б. 21.

8. Tchûlpân.Nuit .Auverne 2009. Bleu autour.-P.30.

ушбу ҳолат мусулмонларда шариат қоидаларига зид эканлиги тўғрисида фикр юритилган. Ушбу манзарани адекват очиб берилмаганлиги сабабли реципиентда мазкур матн таржимасини ўқиганда когнитив диссонанс ҳолати келиб чиққан. Бу эса бадий асар таржимаси сифатини ёмонлашувига олиб келадиган омиллардан биридир.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, авваламбор реципиентда когнитив диссонанс ҳолати бадий таржимада тасвирланган маданий ахборотларни нотўғри бериш, миллийлаштириш, умумийлаштириш, алмашлаштириш усуллари қўлланганда юз берди. Таржимада миллий менталитетга хос бўлган тушунчаларни, воқеа ва ҳодисаларни ифодалаганда, когнитив диссонансни бартараф этиш усуллари излаб топиш лозим. Бу эса келгусида таржимашуносликда аслият ва таржима матнларини таҳлил қилишда янгича ёндашув айниқса когнитив ёндашувлар олиб боришни талаб этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Coline ROSSI. Deux effets étrangement divers... » : formes et fonctions de la dissonance dans les Amours et les Contr'Amours d'Etienne Jodelle. Université Stendhal (Grenoble 3) UFR des Lettres et arts. Grenoble. 2009
2. FESTINGER Léon. A Theory of Cognitive Dissonance, Stanford, Californie : Stanford university press: 1962.-p.9.19.
3. VERLAINE Paul. "L'art poétique". Maynial, Eduard, dir. Antologie des poètes du XIX<sup>e</sup> siècle, Paris : Hachette. 1930.- p.369.
4. Le petit Larousse illustré. 2012. Paris. p-D.
5. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Тошкент 2011.-Б. 21-27.
6. Tchûlpân. Nuit .Auverne 2009. Bleu autour.-P.30-37.